

O'ZBEKISTON OYOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2004-YIL 4-SENTABR SHANBA 109 (27.284) uzbevozi@sarkor.uz 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

«УНИВЕРСИАДА-2004» СПОРТ УЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим! Муҳтарам устоз-мураббийлар, ота-оналар ва спорт мухлислари! Сизларни гўзал ва бетакрор Самарқанд шаҳрида бошланган «Универсиада-2004» ўйинларининг тантанали очилиши билан самимий табриклаймиз. Фарзандларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб вояга етказишда бизга энг яқин кўмакчи ва ёрдамчи бўлган жисмоний тарбия ва спорт, айниқса, уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларининг ўрни ва аҳамияти бекиёс.

Биз ана шу мусобақаларнинг фаол қатнашчиси бўлган сизлар каби минглаб шижоатли, жасур ва ўқтам ёшларимиз тимсолида аввало юртимизда спортни янада оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, спорт орқали ирода, мардлик ва матонат фазилатларини камол топтиришга қаратилган интилишларимизнинг амалий ифодасини кўраимиз.

Халқимизнинг ақл-заковати ва салоҳиятини жаҳон майдонларида намойиш қилиб келаётган, жумладан, кунчи кеча Афинада бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида юксак муваффақият қозongan ёшларимиз ҳам мана шундай мусобақаларда, таъбир жоиз бўлса, кичик олимпиада-ларда тобланиб, маҳоратга эришяётгани барчамизни қувонтиради.

Бугун юртимизда ёш авлод камолоти, унинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун яратилган кенг имкониятлар ва уларнинг негизда қўлга киритилган ютуқлар истиклолимизнинг халқимиз, ёшларимиз олдига қандай катта йўллар, янги уфқлар очиб бераётганини яна бир қарра тасдиқлайди.

Азиз «Универсиада» ўйинларининг бахтиёр чеҳрангизга боқиб, галабага бўлган иштиёқ ва интилишингизни кўриб, бўлажак беллашувлар кескин курашлар остида кечини, ҳаяжон ва қувончларга бой бўлишини ҳис этиш қийин эмас.

Мен «Универсиада» ўйинларининг халқимизга хос бўлган ҳалоллик, одиллик ва танглик руҳида ўтишига, муқаддас Самарқанд замини сизларнинг ҳар бирингизга куч-қувват беришига, шу тупроқда яшаб ўтган Амир Темур каби буюк зотларнинг руҳлари сизларни қўллаб-қувватлашига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, мусобақаларни ўтказиш учун замонавий иншоотлар бунёд этган қўли гул қурувчиларга, «Универсиада-2004» ўйинларини юқори савияда ташкил этишга ҳисса қўшган инсонларга, бутун Самарқанд аҳлига чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги спорт ва ёшлик байрами билан яна бир бор қўтлар эканман, кадрдон жамоангиз, ўз олий ўқув юртингиз шарафини ҳимоя қилишда, истеъдод ва маҳоратингизни рўёбга чиқаришда барчангизга зафар ва омадлар ёр бўлишини тилаймиз.

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти



ЁШЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА МАТОНАТ БАЙРАМИ



Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида яратилган уч босқичли оммавий спорт тизими 2000 йилдан фаолият кўрсата бошлади. Ушбу тизим босқичлари саналган — «Умид ниҳоллари» (умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари), «Баркамол авлод» (академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари) ҳамда «Универсиада» (олий таълим муассасалари талабалари ўртасида) бахслари аниқ пайтда юртимиз ўғил-қизларининг нафақат ақл, балки жисмонан бақувват, соғлом ва баркамол улғайишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур спорт ўйинларининг ўзига хос аҳамияти шундаки, улар ўсмирлар ва ёшларнинг барча қатламларини қамраб олади. Спорт илк бор мактабда ўқувчида кундалик кўнма-ни шакллантиришга, академик лицей ва касб-хунар коллежларида унинг ажралмас ҳамроҳи бўлиб қолади. Институт ва уни-

верситетда эса спорт талабани халқро турнир, қўт ва жаҳон чемпионатларига олиб чиқади. Ана шундай эзу максадаларга хизмат қилувчи бу нуфузли мусобақаларнинг энг юқори босқичи ҳисобланган универсиада бахслари бугун кўҳна Самарқандда старт олади.

— Республика талабаларининг аънавий универсиада-си финал босқичида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон ва барча вилоятлардан сараланган энг кучли 2200 нафар йигит-қиз спортнинг ўн икки тури бўйича голиблик учун кураш олиб боради, — дейди биз билан сўбатда Ўзбекистон «Талаба» спорт уюшмаси раиси Турғун Холдоров. — Мусобақа катнашчилари дастлаб икки босқичда ўз омадларини синаб кўрдилар. Жумладан, ўтган йилнинг октябрдан буён ўтказилган олий таълим муассасалари ва вилоят (шаҳар) миқёсидаги бахсларда жами 130

МАМЛАКАТЛАР ВА ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ БЎГИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов номига Ўзбекистон уюшмалари халқро ҳамжамиятининг ижроия қўмитаси раиси, таниқли рус шoirи, драматурги ва жамоат арбоби Сергей Михалков мактуб йўлади:

Мактубда, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбекистон уюшмалари халқро ҳамжамияти (ЎУХ) ўзининг 12 йиллик фаолияти давомида МДХ мамлакатларининг адабий ва маданий ҳаёти, шу жумладан, Ўзбек адабиётига бағишланган 600 дан зиёд тадбир ўтказди. Қатагон қилинган Ўзбекистон Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўпон, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир ижоди, Б.Пастернак шеърларининг Мирпўлат Мирзоев томонидан Ўзбек тилига таржимаси, Шарқшунослик институти ва М.Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти хамкорлигида буюк Ўзбек шoirи ва мутафаккири Алишер Навоийга бағиш-лаб ўтказилган илмий, анжуман муҳокамаси айниқса самарали бўлди.

Барча ижтимоий-сиёсий тўзумларда халқлар ўртасидаги маънавий алоқалар мамлакатлар ва маданиятлари ўзаро бирлаштирувчи бўғин бўлиб қолмоғи даркор. Бинобарин, МДХ мамлакатлари билан Россия ўртасидаги маънавий алоқаларни амалга ошириш Ўзбекистон уюшмалари халқро ҳамжамиятининг энг муҳим

вазифаларидандир. Ушбу мақсадда ЎУХ қошида миллий адабиётлар бўйича кенгашлар фаолияти қайта йўлга қўйилди. Улар орасида Ўзбекистонлик Ўзбекистон билан мустаҳкам ижодий алоқаларга эга россиялик Ўзбекистон аъзо бўлган Ўзбек адабиёти кенгаши айниқса фаолдир. Мазкур Кенгаш саяё-ҳаракатлари билан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ўзвучиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Тўлпбергана Қайипберганаовнинг «У дунёга, бобомга хатлар» қиссаси рус тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Қиссанинг эълон қилиниши ва унинг Кенгаш йиғилишидаги муҳокамаси китобхоналар орасида ва Ўзбекистон хамжамиятида қизгин баҳс-мунозаралар уйғотди. ЎУХ ижроия қўмитаси ва Ўзбек адабиёти кенгаши қарорига биноан Т.Қайипберганаов қиссаси адабиёт ва санъат соҳасида М.А.Шолохов халқро мукофотига тавсия қилинди ҳамда жорий йилнинг май ойида мазкур юксак мукофотга сазовор бўлди.

носабатларнинг ҳар томонлама ривожланиётганидан беҳад мамнунман. Шубҳасиз, бу авваламбор Россия ва Ўзбекистон президентларининг шахсий хизмати, уларнинг дошманлиги ва узқичи қўра билиш қобилияти самарасидир.

Шунингдек, мактуб муаллифи «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ташкил этилиши Ўзбекистон ва Россия халқлари ўртасидаги маънавий алоқаларни ривожлантиришда муҳим воқеа эканини қайд этади. ЎУХ билан жамғарма ўртасида яқин ижодий алоқалар ўрнатилган. Сўнгги пайтларда Россияда Ўзбек маданияти ва адабиётига бағишланган барча тадбирлар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳомийлигида ташкил этилмоқда.

«Ишончим комилки, яқинда икки мамлакат президентлари томонидан Тошкентда имзоланган Стратегик хамкорлик тўғрисидаги шартнома ЎУХ билан Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмаси ўртасида ижодий ва дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади», — дея ўз мактубини яқунлайди С.Михалков.

«Жаҳон» АА

САМИМИЙ ҚЎТЛОВЛАР

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBI OLIYLARIGA
Ўзбекистоннинг Миллий кўни нишонлаши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табриқларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва саодат, дўст халқингизга доимий юксалиш ва раванқ тилаймиз.

Юксак эҳтиром ва ҳурмат билан,
Мухаммад Хусний МУБОРАК,
Миср Президенти

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBI OLIYLARIGA
Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кўни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига ўзим ҳамда Сингапур ҳукумати ва халқи номидан самимий табриқлар йўллашдан беҳад мамнунман. Мамлакатингиз ва халқингизнинг бардавом тараққиёти ҳамда тотувлиги учун билдиражак тилақларимизни лутфан қабул этгайсиз.

С.Р.НАТАН,
Сингапур Республикаси Президенти

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим
ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBI OLIYLARIGA
Сиз, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқини Мустақиллик кўни муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Ишончим комилки, Эрон Ислам Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстона муносабатлар ва хамкорликнинг барча соҳаларда ривожланиб бориши икки мамлакат халқларининг фаровонлиги ва тинчлик-осойишталигини таъминлашга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сизхат-саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг дўст ва биродар халқи ва ҳукумати эса бахт-саодат ҳамда фароғатли турмуш тилаб қоламан.

Сайид Мухаммад ХОТАМИЙ,
Эрон Ислам Республикаси Президенти

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBI OLIYLARIGA
Жаноби Олийлари,
Ўзбекистоннинг Мустақиллик кўни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига катта мамнуният билан самимий қўтловларим ва эзу тилақларимни ижор қиламан.

Хиндистон яқин ва дўстона алоқаларнинг узқ тарихига эга бўлган мамлакат сифатида Ўзбекистон билан муносабатларини қадрлайди. Ишончим комилки, алоқаларимиз бундан буён ҳам турли соҳаларда мустаҳкамланиб, кенгайиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Ўзбекистоннинг раванқ топиши ва тараққиёти этишини, шахсан Сизнинг соғаломат ва омон бўлишингизни тилаб билдирган энг эзу истакларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоёг юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилишингизни сўрайман.

Манмохан СИНГХ,
Хиндистон Бош вазири

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZII SAYLOV KOMISSIYASINING QARORI SAYLOV QUTILARINING NAMUNALARI TUGRISIDA

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5, 10-моддаларига асосан Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

1. «Совпластлит» қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқилган катта (600x600x1000мм) ва кичик (600x600x500мм) ҳажмдаги шаффоф сайлов қутиларининг намуналари парламент сайловида фойдаланиш учун маъқул деб топилсин (сайлов қутиларининг тавсифи илова қилинади).
2. «Совпластлит» қўшма корхонаси (А.Мелкумов) белгиланган намунадаги сайлов қутиларини зарур миқдорда тайёрласин.
3. Сайлов қутиларининг кўриниши ва улчамларига доир тегишли ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари С.Ходжаева зиммасига юклатилсин.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси
Б.МУСТАФОВ
Тошкент шаҳри, 2004 йил 28 август

САЙЛОВ ҚУТИЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

Сайлов қутиси зарбага бардош берадиган полистиролдан цилиндр шаклида тайёрланиб, унинг баландлиги (катта ҳажмдагиси) 1000 миллиметр ёки (кичик ҳажмдагиси) 500 миллиметрдан, диаметри эса 600 миллиметрдан иборат.

Сайлов қутиси олд томонида унинг ичи кўриниб туриши учун қалинлиги 2,5 миллиметрли органик шишадан ойнаванд қилиб тайёрланади. Ойна сайлов қутиси шаклига мос равишда эгилган тўри тўртбурчдан иборат бўлиб, катта ҳажмдаги қути ойнанинг баландлиги 800 миллиметр, эни 600 миллиметр, кичик ҳажмдагисининг баландлиги 400 миллиметр, эни 600 миллиметрга тенг. Ойнак атрофи металл билан хошияланган. Ойнак ўртасига унинг юқори металл хошиясидан 50 миллиметр пастда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган.

Цилиндрнинг юқори гардишига сайлов қутиси қопқоғи ўрнатилади. Қопқоқ билан қути корпуси уч жойдан махсус сим ёрдамда сайлов комиссиясининг сургучли муҳри билан муҳрлаб қўйилади. Сайлов қутиси қопқоғи сайлов бюллетенларни ташлаш учун тирқишга эга бўлади.

Цилиндр асоси корпусга махсус елим билан маҳкамланади. Сайлов қутиси оч жигар ранга бўлган.

ХДП ҳаёти САЙЛОВЛДИ РАДИОВИКОРИНА

2004 йил декабрида бўлажак ялпи сайловлар арафасида фуқароларнинг ЎзХДП ҳақидаги тасавуurlари доирасини кенгайтириш ҳамда сайловчилар орасида партия тарафдорлари ва хайрихоҳлари сонини кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти Ўзбекистон радиоси «Дўстлик» канали «Тошкент» студияси раҳбарияти билан хамкорликда янги радиовикторина ўйинини ташкил этишга қарор қилди. 2004 йил сентябрь-октябр ойларида ўтказиладиган радиовикторина Ўзбекистон ХДП ҳаёти ва фаолияти ҳамда бўлғуси ялпи сайловлар масалаларига бағишланади.

Унда барча радиотингловчилар қатнашишлари мумкин. Фолиблар Ўзбекистон ХДП МК таъсис этган совринлар билан мукофотланади.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилеи олдидан қўллаб оқовдорлаштириш ишлари амалга ошириляпти. Жумладан, «Нукус — Бухоро — Қарши — Ғузур» автомобиль йўлининг Қарши шаҳри оралаб ўтадиган қисмида таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилямоқда. Объектнинг бошланғич смета қиймати 1 миллиард 153 миллион сўмдан иборат.

— Магистрал йўлининг таъмирланаётган қисми узунлиги 3,2 километр, — дейди «Қашқадарёвтойўл» бошқармаси етакчиси, Республикада хизмат кўрсатган қурувчи Қурбон Панжиев. — Йўл иккинчи техник тоифадан биринчи техник тоифага ўтказилди. Ҳозирда эни 13 метр бўлган йўлнинг кенглиги 23,6 метрга эказилляпти. Йўл ўрта-

ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛСА...



сидан қўқамзорлаштириш учун яшил газон ҳамда ҳар икки четидан 6,4 километр узунликдаги

пиёдалар йўлаги қуриляпти. Айна кунда мазкур ишларга бошқармага қарашли эликдан зиёд йўл қурилиш техникалари, Германияда ишлаб чиқарилган «Фогел» русумли замонавий асфальт ётқизувчи машина, иккита каток жалб қилинган.

Лойиҳа бўйича ушбу объектада 79110 метр куб. тупроқ, 35880 метр куб. шағал, 65731 метр квадрат асфальт ётқизувчи ишлари режалаштирилган. Ҳозиргача 65328 метр куб. тупроқ, 17940 метр куб. шағал ва 26292 метр



ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
XALQ BANKI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI MULKDORGA HANKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.ishmbm.uz E-mail: info@ishmbm.uz va Bijra@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22
WWW.alobank.uz E-mail: info@alobank.uz

